*Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

2013 йил
**6 апрель**
ШАНБА
**№ 29** (12561)

www.th.uz

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Муносабат

**Республикамизнинг ҳар бир вилояти, туман ва шаҳарлари ўзига яраша ижтимоий-иқтисодий, маданий, аграр ва бошқа соҳаларда алоҳида салоҳиятга эга. Жумладан, Тошкент вилояти мамлакатимиз саноатининг энг йирик корхоналари, турли соҳалардаги имкониятлари ва албатта, 2 миллион 700 мингдан ортиқ меҳнатсевар, интеллектуал салоҳиятга бой одамлари билан алоҳида ажралиб туради.**

## ИШОНЧНИ ОҚЛАШ АСОСИЙ БУРЧИМИЗ

Ҳунармандчилик, илм-фан, маданият марказларидан бири бўлиб келган вилоятимиз бугунги кунда ҳам Ўзбекистоннинг ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, сервис, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш, халқ турмуш фаровонлигини юксалтириш учун янги имкониятлар очилаётган бунёдкорлик воҳасига айланиб бормоқда.

Юртбошимиз Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги маърузаларида вилоятимиз салоҳиятига, меҳнаткаш аҳолисига, қолаверса, депутатларга катта ишонч билдириш орқали, вилоятимизга юксак баҳо бериб, "Тошкент вилояти ҳақида гапирганда, яна бир муҳим хусусият ҳақида тўхталиб ўтишни жоиз, деб биламан. Бу аввало вилоят аҳолисининг интеллектуал даражаси, билим ва тажрибаси, маънавий савияси билан ажралиб туришида намоён бўлади, десам, айни ҳақиқатни айтган бўламан. Шу боис мана шу диёрга меҳр қўйиб, уни обод қилиб келаётган меҳнатсевар ва олижаноб инсонлар ҳақида ҳар қанча фахрланиб гапирсак, уларга миннатдорлик билдирсак, арзийди, албатта", дея юксак меҳр ва ҳурмат-эҳтиром изҳор этдилар.

Бироқ, маърузада таъкидланганидек, эришаётган ютуқларимизга қарамай, ҳали бажаришимиз керак бўлган вазифалар кўп. Вилоятимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳоли турмушини фаровонлаштириш, ҳудудларни ободонлаштириш учун янада кўпроқ меҳнат қилишимиз талаб этилмоқда. Жумладан, кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш орқали янги иш ўринларини барпо этиш имконияти туғилади, иш билан таъминланганда эса аҳолининг реал даромадлари ўсади, оилаларимиз мустаҳкам, турмушимиз фаровон бўлади. Демак, саноат ривожи оқсаётган Оққўрғон, Бўка, Бекобод ва Қуйи Чирчиқ туманларида аввало ички имкониятларни ўрганиш, таҳлил қилиш, туман ва вилоят даражасида муаммоларни кўтариб чиқиш, Халқ депутатлари туман ва вилоят Кенгашлари доимий комиссияларига, ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурларига таклифлар киритиш борасида биз депутатларга ҳам улкан масъулият юкланиши табиий.

Бугун депутат ва раҳбарларга масалага шундай жиддий масъулият билан ёндашиш талаби қўйилмоқда. Бу йил бандлик дастурига асосан вилоятимизда 87 мингга яқин янги иш ўринлари яратилиши кўзда тутилган. Касб-ҳунар коллежлари ҳамда олий ўқув юртларининг битирувчилари, муддатли ҳарбий хизматни ўтаб қайтган ёшларнинг қайси корхона ёки ташкилотга бориши, уч томонлама шартномаларнинг тўла бажарилиши, қишлоқ жойларда режалаштирилаётган намунавий лойиҳалар асосидаги уй-жойлар қурилишининг бориши ва бошқа кўплаб масалалар устидан депутатлик ҳамда жамоатчилик назоратини ўрнатиш зарур. Айниқса, Юртбошимиз таъкидлаганларидек, вилоятимизда хорижий сармоялар иштирокида ташкил этилган, бироқ айни пайтда маълум бир сабабларга кўра фаолият кўрсатмаётган корхоналарнинг нима сабабдан ишламаётганини ўрганиш ва тегишли ташкилот ва идораларга таклифлар киритиш биринчи галдаги вазифамизга айланмоғи лозим.

Мухтасар қилиб айтганда, вилоятимизда фаровон яшаш, истаган соҳада фаолият юритиш, тадбиркорлик ва фермерлик билан шуғулланиш учун имкониятлар етарли. Фақат интилиш, ҳаракат ва ташаббускорлик бўлса бас. Шундай экан, Президентимиз билдирган фикр-мулоҳаза ва таклифларни чуқур мушоҳада қилиб, бор куч-ғайратимизни, имкониятларимизни сафарбар этиб, вилоят аҳолиси турмушини янада яхшилашда якдил бўлиб хизмат қилишимиз талаб этилади.

**Гулнара МИЯССАРОВА,**
**Халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати.**

Бугуннинг гапи

# КЎЧАТ ТЎЛИҚ – ХИРМОН БЎЛИҚ



***Пискентлик олий маълумотли мутахассис – муҳандис-гидротехник Қаҳрамон Эшбеков 18 йилдан бери фермер. Айниқса, пахтачиликдаги тажрибасига кўпчилик ҳавас қилса арзийди.***

*Фермер "Эрта эккан эрта ўради" деган шиор айни ҳақиқат эканини кўп йиллик фаолиятида обдон синаган. У ҳар мавсум ҳавонинг авзоию қуёшнинг тафтига, ернинг ҳароратию тупроқнинг намига қараб, чигитни энг мақбул муддат, аммо, қисқа вақтда экиб олишга одатланган. Бу йил ҳам шундай бўлди. 54,9 гектар майдонга қисқа фурсатда чигит экиб олинди.*

*– Гектарларда кўчат тўлиқ бўлса, кузда хирмон ҳам бўлиқ бўлади, – дейди фермер. – Шунга амал қилиб, бир қарич ҳам бўш жой қолдирмай уруғ қададик.*

**СУРАТДА:** фермер Қаҳрамон Эшбеков.

**Собир ЗУФАРОВ олган сурат.**

## ЧИГИТНИ ТЕЗ ВА ҚИЙҒОС УНДИРИШ

***учун ерларни сифатли тайёрлаш, экиш вақтини тўғри белгилаш ва уруғликни қисқа муддатда экиб олиш лозим***

Чигит экиш пайтида тупроқнинг намлиги 70 фоиздан кам бўлмаслиги керак. Шунда уруғлик табиий намга ундириб олинади. Бунинг учун эрта баҳорда нам тўплаш тадбирлари вақтида ва сифатли бажарилиши талаб этилади. Эрта баҳорги бороналаш муддати тупроқнинг механик таркибига, обҳаво шароитига ва тупроқ етилишига қараб белгиланади.

Экиш олдидан ерни бороналаб, кесакларни майдалаш, қатқалоқни юмшатиш тупроқ намлигини узоқроқ сақлаш имконини беради. Баҳорнинг серёғин бўлиши оқибатида эрта баҳорги нам тўплаш учун бороналаш тадбири март ойининг учинчи ўн кунлигига тўғри келди. Апрель ойидан ҳаво ҳарорати кескин кўтарилиши эҳтимоли борлигини ҳисобга олсак, тайёргарлик ишлари ва чигит экишни қисқа (8-10 кун) муддатда сифатли ўтказиш чораларини кўриш лозим бўлади.

Бороналашни тупроқнинг 8-10 см. юза қатлами етилиши биланоқ бошлаш ва кетма-кет чигит экишга киришиш лозим. Ер занжирли трактор ва кенг қамровли тиркагичлар воситасида бороналанса, тупроқ ортиқча зичланмайди.

Агрегатни тузишда бир русумдаги бороналар хиллаб олиниши, тишлари бир хил узунликда, пастки учлари ўткир бўлиши лозим. Ҳамма тишларнинг ўткир учлари рамада бир томонга йўналган бўлиши керак.

Кичикроқ участкаларда бороналарни айланма усулда юргизиш мақсадга мувофиқдир. Бунда биринчи кириш участканинг бирон томонига параллел ҳолатда бўлади. Охирги кириш участканинг қоқ ўртасидан ўтади.

Агрегат ҳаракатланганда бороналарнинг олди қисми кўтарилса, тяга узайтирилади ва тортқич пасайтирилади. Аксинча бўлса, тяга қисқартирилади ва тортқич кўтарилади. Қайтиш зоналарида ишчи органлари йиғилиб қолган бегона ўтлардан тозаланиб, даланинг четига чиқариб ташланади.

Оғир тупроқли ерларда орқасига мола тиркалган чизель ёрдамида 20-22 см. чуқурликда тупроққа ишлов берилади. Бунда ерлар ЧКУ-4А чизель культиваторларида обдон юмшатилади.

Агрегат дала диоганали бўйича ҳаракатланиши лозим. Чизелланган далаларга дарҳол МВ-6 мола ёки сихмола билан ишлов берилади.

Тупроқни чигит экишга тайёрлаш эрта етилувчи енгил қумоқ тупроқли ва қия ерли фермер хўжаликларидан бошланиб, сўнг типик ва бўз ҳамда ўтлоқи-бўз ва оғир тупроқли майдонларга ўтилади. Шўрланмаган ерлар ПР-5 ва ВП-8 текислагичлари ёрдамида текисланиб, бороналанган майдонларда чигит экишдан олдин мола босилади. Бунда, мола босадиган махсус мосламалардан ёки ПР-5 механизмидан фойдаланиш мумкин.

*(Давоми 2-бетда).*

9 апрель – Амир Темур таваллуд топган кун

## БУЮК САРКАРДА ВА ДАВЛАТ АРБОБИ

**Инсоният яралибдики, она табиат, муқаддас тупроқ, ой ва қуёш билан яктан яшайди. Яъни, бу унсурларсиз ҳаётнинг маъноси қолмайди. Қуёш ўзининг ҳаётбахш нурлари билан она заминимизни яшнатади, одамларга яшаш иштиёқини бахш этади. Шунинг учун одамзот ҳамиша ўзига жон қадар азиз бўлган нарсани қуёшу ойга менгзайди.**

Тарихда ўз илму амаллари билан ёруғ из қолдирган инсонлар кўп. Аммо, миллат қуёши деган шарафли номга муносиб кўрилган Амир Темур бобомизнинг жаҳонни лол қолдирган ўткир салоҳияти ҳамон тилларда достон. Тарихий ҳақиқат қарор топган мустақиллик йилларида наинки буюк аждодларимиз, балки миллатимиз қадри осмон қадар юксалди, эътиқод меҳварига йўл очилди. Энди Амир Темурдек буюк саркарда ва давлат арбоби авлодлари эканлигимиз билан фахрланамиз.

*(Давоми 2-бетда).*

Халқаро кўргазмалар

**Пойтахтимиздаги "Ўзэкспомарказ" мажмуасида озиқ-овқат ва қайта ишлаш саноати ускуналарининг ўн учинчи "WorldFood Uzbekistan – 2013" ҳамда қишлоқ хўжалиги технологияларининг саккизинчи "AgroWorld Uzbekistan – 2013" халқаро кўргазмалари очилди.**

## САМАРАЛИ ҲАМКОРЛИК УЧУН ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАР

Ўзбекистон Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирликлари, Савдо-саноат палатаси, Фермерлар кенгаши, Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан "ITE Uzbekistan" халқаро кўргазма компанияси билан ҳамкорликда ташкил этилган кўргазмаларда Ўзбекистон, Австрия, Германия, Испания, Италия, АҚШ, Франция, Жанубий Корея, Бельгия, Малайзия, Россия каби 25 мамлакатдан бир юз саксондан ортиқ компания ўз маҳсулотлари ва хизматларини намойиш этмоқда. Уларнинг қарийб 35 фоизи мамлакатимиз ишлаб чиқарувчиларидир.

Мазкур халқаро кўргазмалар мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида озиқ-овқат, қайта ишлаш саноати ва қишлоқ хўжалиги соҳаларидаги ютуқларни кенг намойиш этиш ҳамда хорижий компаниялар фаолияти билан яқиндан танишиш учун катта имконият эканини таъкидланди. Жорий йилда мамлакатимизда қайта ишловчи ва озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган янги корхоналар қуриш, мавжудларини реконструкция ва модернизация қилишга оид қарийб икки юз тўқсон лойиҳани амалга оширишда бу муҳим аҳамият касб этади.

– Мазкур кўргазмаларда "Multivac Export AG", "Vion", "Kronen", "Exima", "Diosna" каби озиқ-овқат саноати ускуналари ишлаб чиқарувчи ўн бешдан ортиқ йирик компаниямиз қатнашмоқда, – дейди Германия халқаро кўргазмалар компанияси бўлим бошлиғи Симоне Шох. – Ўзбекистон иқтисодиёти муттасил ва барқарор ривожланаётганига мазкур кўргазмалар орқали ҳам гувоҳ бўляпмиз. Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналар сони ҳам тобора кўпаймоқда. Биз мамлакатингиздаги сут ва гўшт маҳсулотларини қайта ишлашга ихтисослашган корхоналар билан ҳамкорликни янада мустаҳкамлашдан манфаатдормиз.

Жорий йилги кўргазмаларда "Озиқ-овқат саноати технологиялари" бўлими стендлари дунёдаги қатор етакчи компаниялар ҳисобига анча кенгайди. Жумладан, ўсимлик ёғини сиқиб чиқариш ва омихта емларни экструзиялаш учун ускуналар ва технологиялар ишлаб чиқаришда Европада пешқадамлик қилаётган компаниялардан бири – "Фармет" (Чехия) бу йил илк бор иштирок этмоқда.

*(Давоми 2-бетда).*

7 апрель – Бутунжаҳон саломатлик куни

**Бутунжаҳон саломатлик куни муносабати билан Республика саломатлик ва тиббий статистика институти вилоят филиали ва унинг бўлимлари барча шаҳар, туманлардаги маҳаллалар ва умумтаълим мактаблари ҳамда касб-ҳунар коллежларида мутахассислар иштирокида тадбирлар ўтказмоқда.**

## ХАСТАЛИКНИНГ ЮҚИШИ БОР

Тез юқиши мумкин бўлган ҳасталикларнинг олдини олиш ва улардан ҳимояланиш йўллари хусусида йиғилганларга тушунтирилмоқда.

Ўрта Чирчиқ туманидаги таълим муассасалари ва маҳаллаларда бўлиб ўтган учрашувларда ҳам шулар ҳақида сўз борди.

**Фарида КОМИЛОВА.**

## ЗАМОНАВИЙ ТАШҲИС – МУОЛАЖА АСОСИ

**Фан, техника, замонавий технологиялар ҳар қадамда янгиланиб, гуркираб ривожланаётган даврда яшаяпмиз. Кундалик ҳаётнинг бу қадар жўшқинлашиб бораётгани у ёки бу даражада инсонлар саломатлигига таъсир ўтказиши ҳам табиий жараён, албатта.**

Ҳозирги пайтда жаҳон тиббиёт дарғалари жўшқин тараққиёт жараёнида бир қатор хасталиклар, жумладан, саратон касаллиги турлари ҳам авж олиб бораётгани ҳақида бутун дунёга бонг урмоқдалар. Кўплаб мамлакатларда бўлганидек, Ўзбекистонда ҳам бу аянчли хасталикка қарши кенг кўламда кураш олиб борилмоқда.

"Тошкент ҳақиқати" мухбири республика Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Гематология ва қон қуйиш илмий-тадқиқот институти врач-ординатори Зулхумор Юнусова билан шу мавзуда суҳбатлашди.

**– Зулхумор Жумабоевна, суҳбатимиз аввалида мустақиллик йилларида тиббиёт тизимини тубдан ислоҳ қилиш соҳасида эришилган натижаларни қисқача шарҳлаб берсангиз.**

– Истиқлол эл-юртимизга нима бергани бугун ҳаммамизга маълум. Яъни, изоҳга ҳожат йўқ. Жаҳоннинг кўпгина мамлакатларида ҳам буни эътироф этишяпти. Шу боис қизиқиш ва ҳавас билан кузатишаяпти.

Соғлиқни сақлаш тизимидаги ислоҳотлар масаласига келсак, бу соҳада эришилган ва эришилаётган ютуқлар нафақат юртимиз, балки жаҳон ҳамжамиятининг ҳам шундоққина кўз ўнгида. Аввало, тиббиётнинг моддий-техник базаси тубдан ўзгарди. Бугун юртимизнинг энг олис ва чекка ҳудудлари ҳам замонавий қишлоқ врачлик пунктларига эга. Улар "Саломатлик – 1" ва "Саломатлик – 2" дастурлари доирасида олинган энг замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. Натижада тўғри ташхис қўйиш ва даволаш усули ҳамда савияси жаҳон андозалари талабларига тўла жавоб берадиган даражага кўтарилди.

Аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини изчил тарғиб қилиш кенг йўлга қўйилгани ҳам ўз самарасини бераяпти. Хусусан, юқумли касалликлар, оналар ва болалар ўлими кескин камайди. Жумладан, бизнинг илмий-тадқиқот институтимизда ўрнатилган янги асбоб-ускуналар турли саратон хасталикларини даволаш ва айниқса, уларнинг олдини олиш имконини бераяпти. Врачларимиз ушбу замонавий асбоб-ускуналарни тўғри ишлатиш ва самарали фойдаланиш мақсадида тегишли тайёрлов курсларидан ўтдилар.

Соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган аниқ мақсадли сиёсат туфайли эришилаётган муваффақиятларни Бутунжаҳон саломатлик жамияти ва ЮНИСЕФ каби нуфузли халқаро ташкилотлар ҳам тан олмоқда. Аммо, биз врачлар учун энг муҳими хавфли хасталикдан халос бўлган беморларнинг юракдан айтилган миннатдорлигидир.



*(Давоми 2-бетда).*

Бугуннинг гапи

# ЧИГИТНИ ТЕЗ ВА ҚИЙҒОС УНДИРИШ



Чигитни барвақт ва қийғос ундириб олиш мақсадида вилоятнинг Бекобод ва бошқа бир қатор туманларида кузда пушта олинмаган майдонларда эрта баҳорда қатор оралиғи 90 см. кенглик ва 30-32 см. баландликда пушта олиниб, табиий намлик чигитнинг униб чиқишига етарли бўлиши ҳисобига ўртача 7-10 кун олдин чигит экиш учун имконият яратилади. Ёғингарчилик кам бўладиган туманларда чигит экишдан 8-10 кун илгари ерга нам суви берилади ва етилгач, пушталар узунасига енгил бороналанади.

Ерларни тайёрлаш ва экиш билан боғлиқ барча агротехник тадбирлар тугагандан сўнг дала чети, симёғоч ва ўқ ариқ атрофлари кетмонда текисланиб чигит экиш лозим. Шунда барча майдонларда тўлиқ гектарлар ҳосил қилинади.

Тукли чигитларни экишга тайёрлашда уларни табақалаб намлаш лозим. Экиш муддатига қараб бир тонна уруғни намлаш учун 600 литргача сув сарфланади. Чигит олдиндан тайёрланган (бетонланган) махсус майдончаларда намланади. Майдончаларнинг бўйи 3-4, эни 1,5-2 метр ва баландлиги 35-40 см. бўлиши керак. Бунда намлаш вақтида сув оқиб кетишининг олди олинади. Чигитни намлаш учун ёйганда қалинлигини 20-25 см.дан ошмаслиги зарур. Намлаш 3 босқичда – биринчиси 3-4 соат, иккинчиси 4-5 соат, учинчиси 5-6 соатда ўтказилиб, ҳар босқичда 200 литрдан сув сарфланса, чигитнинг тўлиқ ва сифатли намланишига эришилади ҳамда намлиги кам бўлган тупроқларда тўла униб чиқишига ижобий таъсир этади. Шунингдек, ўстирувчи хусусиятга эга дорилар билан намлаш чигитнинг унувчанлигини ошириш билан бирга илдиз тизимини бақувват ривожлантиради ва тупроқнинг табиий намидан унумлироқ фойдаланилади.

Турли муддатларда экиладиган чигитнинг намлангандан кейин сақланиш муддати 12 соатдан ошмаслиги керак. Энг қулай муддатда ёки кечикиб экиладиган жойларда чигитни узоғи билан 18 соат сақлаш мумкин, холос. Чигитни мақбул муддатларда экиб олиш учун сеялкалар аниқ созланган бўлиши, экиш сифати олдиндан текшириб кўрилиши керак. Экиш аппаратлари тупроқ-иқлим шароитига қараб, ҳар метрга 25-35 дона чигит тушадиган қилиб созланади.

Экиш билан бир вақтда, ҳар эҳтимолга қарши, чигит суви бериш учун эгат очиб кетилади. Тупроқ нами етарли бўлмаса, шу эгатлар ёрдамида чигит суви берилади.

Саккиз қаторли "Кейс-1200" пневматик сеялкалар туксиз чигитни ҳар метрга 15-17 донадан аниқ ташлаш имкониятига эга. Чигитлар бир йўла қўш дискали сошниклар ёрдамида очилган ариқчаларга тушади, бошқа дисклар ёрдамида керакли чуқурликка кўмилади ҳамда катоклар ёрдамида уруғ устидаги тупроқ зичлаб кетилади. Бундан ташқари, чигит экилган ариқчалар ёнига минерал ўғит ҳам солинади.

Чигит экиш тупроқнинг 10 см.гача чуқурликдаги ўртача ҳароратига қараб бошланади. Тукли чигит экиш учун ҳарорат 12-14 даража, туксизлантирилган чигит учун 14-15 даража атрофида бўлиши лозим.

Чигитни биринчи навбатда тез қизийдиган енгил, ўртача қумоқ ва тез етиладиган майдонларга, кейин эса оғир тупроқли тоғолди минтақаларда ерни тайёрлаш билан кетма-кет экиш мақсадга мувофиқдир. Бу йилги об-ҳаво ва ўт-ўланларнинг ривожланишини эътиборга олиб, ҳар бир кундан самарали фойдаланиб, экишни 10-12 апрелгача якунлаш зарур. Бу тупроқнинг табиий намига чигитни тўлиқ ундириб олиш имконини беради. Агар кеч экилса, намлик камайиб кетиб, чигит суви беришга тўғри келади ва оқибатда бегона ўтлар кўпайиб кетади.

Чигит 3-5 см. чуқурликда экилади. Тукли чигит гектарига 45-50 кг., туксиз чигит 20-25 кг. сарфланади. Аввал ўртапишар (С-6524), сўнгра тезпишар (Наманган-77, Султон) навлари экилади.

Чигит экиш билан бир вақтда бериладиган азотли ва фосфорли ўғитлар экиш чизиғидан 5-7 см. четга, 12-15 см. чуқурликка солинади. Экиш билан бир вақтда бегона ўтларга қарши ПГС-2,4 мосламаси ёрдамида "Стомп" (0,8-1кг/га), "Которан" (1,2 кг/га) ва бошқа кимёвий дорилар сепилади.

Экиш мавсумини юқоридаги тавсияларга амал қилган ҳолда қисқа муддатда ҳамда сифатли ўтказиш эртаки ва мўл ҳосил олиш имконини яратади.

**Абдуғаффор ОТАХЎЖАЕВ,**
**Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш маркази вилоят бўлими раҳбари.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

9 апрель – Амир Темур таваллуд топган кун

# БУЮК САРКАРДА ВА ДАВЛАТ АРБОБИ

"Соҳибқирон – икки улуғ сайёра (Зуҳро ва Қуёш) бир-бири билан туташган пайтда туғилган киши, бахтиёр одам", дейилади академик Бўрибой Аҳмедовнинг "Навоий замондошлари хотираси" китобида. Бундай таъриф бежиз эмас. Юртбошимизнинг "комил бу инсоннинг энг аввало буюк давлат асосчиси, буюк бунёдкор, ижодкор шахс бўлганини, фан, маданиятга ҳомийлик қилиб, жаҳон цивилизацияси тараққиётига беқиёс ҳисса қўшганини олам аҳлига билдириш" ҳақидаги эзгу нияти рўёби бугун бор бўйини кўрсатди. Буюк давлат арбоби ҳақидаги холис, ижобий фикрлар юзага қалқиб чиқа бошлади:

"...у буюк иморатлар бино этди ва уларни боғу роғлар билан ўради, шаҳар ва қишлоқларни тиклади. Унинг даврида сув иншоотлари барпо этилди ва бузилганлари тузатилди. Маданий ҳаёт учун хизмат этиши мумкин бўлган ерлар эътибордан четда қолмади. Темурнинг ижодкорлик фаолияти ҳам унинг қилган вайронгарчилиги каби кишини ҳайратда қолдиради. Мусулмон меъморчилигидаги энг яхши давр Темур ва унинг авлодлари билан боғлиқдир..." (Бартольд).

Рус тарихчисининг вайронгарчилик ҳақидаги фикрини изоҳлаш маъносида айтиш мумкинки "уруш қурбонсиз бўлмайди" дейишади. Ўз юртини бегона босқинчилардан халос этиш, хунрезликларнинг олдини олиш учун қилинган саъй-ҳаракатларни ижобий баҳолай олиш ҳам керак.

"Амир Темур ҳақиқати... туғилиб ўсган Ватанга меҳр, шу меҳр туфайли Ватан тупроғини – Мовароуннаҳрни мўғуллар зулмидан халос этиб, юрт сиёсати, иқтисодиёти ва маданиятида янги давр – Уйғониш даврини бошлаб бергани билан баҳоланади...

(Давоми. Боши 1-бетда).

Амир Темур ҳақиқати унинг замонида етишиб чиққан Мирзо Улуғбек, Қозизода Румий, Али Қушчи, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий, Бобур, Беҳзод, Хондамир каби юзлаб мутафаккирларнинг бани башарга ҳадя этган бебаҳо маънавий мероси билан баҳоланади." (Ғулом Ғафур)



Бас, шундай фазилатлар эгасини улуғламай, у билан фахрланмай бўладими?! Ахир, бобокалонимиз ҳақида битилган манбаларнинг ҳаммасида унинг инсоний фазилатлари акс этиб турса. Соҳибқироннинг бебаҳо мероси – "Темур тузуклари"да айтилишича, кўп ёмонликлари билан унга зиён етказганларни ҳам, агар тавба-тазарру қилиб келса кечириши, боз устига марҳаматини дариғ тутмаслиги, аксинча хайр-саховат кўрсатиши улуғ инсонийликдан дарак эмасми?!

Адолатли шоҳнинг ўз қавмига бўлган меҳр-оқибати ҳақида кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Ўз ўрнида, атрофдагиларнинг фикр-мулоҳазаларини ҳам тинглай олиш лозим бўлганда унга амал қилиш ҳам Амир Темур шахсини юксакларга кўтариши ҳақиқат. Илк мустақиллик йилларида Соҳибқирон бобомиз ҳақида чин маънодаги мукаммал асар ҳали яратилмагани ҳақида куюниб сўзлаган олимларимиз армони орадан йиллар ўтиб, қисман бўлсада, амалга ошаётгани қувонарли. Зеро, чет элларда бу иш аллақачон улуғ бир меҳр билан амалга оширилган. Амир Темур ҳақида йирик-йирик асарлар яратилган. Айниқса, ер юзи маданияти марказларидан бири Францияда Соҳибқирон бобомизга атаб олтин ҳайкал ясалгани ва унга "Оврупо халоскори" деб ёзиб қўйилганининг ўзи ҳар бир ўзбекистонлик учун фахр ва ғурурдир. Шу маънода, атоқли адиб Пиримқул Қодировнинг "Амир Темур сиймоси" китоби энг яхши, дилга яқин асар сифатида ниҳоятда қадрли. Унга қайта-қайта мурожаат этар эканмиз, Амир Темур шахси, унинг маънавий жасорати, саркардалик маҳорати, давлат бошқарувидаги донолиги ҳайрат, ҳавас, фахр, ифтихор туйғуларига ошно этади. Ҳақиқатан ҳам, муаллиф таъкидлаганидек "Темур тузуклари" авлодларга аталган буюк кашфиёт. Унда айтилган фикрлар гўё ҳозирги давр, истиқлол йилларида амалга оширилаётган барча соҳадаги бунёдкорлик ишларига ҳамоҳанг.

Дунёнинг энг ривожланган мамлакатларида ҳам муҳим тарихий манба, давлат бошқарувининг энг нодир қўлланмаси сифатида қадрланиб келаётган "Темур тузуклари"да шундай сатрлар бор: "Ҳар неким мамлакат маслаҳати учун айтдим, қулоғингизда тутинглар... Агар менинг васиятимга амал қилиб, адлу эҳсон билан оламни обод қилсангиз, кўп йиллар давлат ва мамлакат сизларда қолғусидир".

Эътибор беринг, бу сўзлар ҳозирги кунда, Обод турмуш йилида амалга оширилаётган ишларга ҳамоҳанг эмасми?! Хуллас, буюк саркарда ва давлат арбоби Амир Темур шахсияти, у олиб борган давлат сиёсати уммондек чексиз, бепоён. Уни англаш, идрок этишда юртбошимизнинг сўзлари энг муҳим дастуриламалдир: "Ҳамиша эл ғамини, юрт ғамини ўйлаб яшаган Соҳибқирон ёвлар остида топталган ўлкани дунёнинг энг қудратли салтанатига айлантирган эди. Келинглар, азиз дўстлар, барчамиз якдил бўлиб, ҳалол меҳнатимиз, ақлу заковатимиз, Ватанга муҳаббатимиз билан Ўзбекистонни жаҳон ҳавас қиладиган буюк давлатга айлантирайлик! Бу йўлда бобокалонимизнинг "Адолат ва озодлик – дастурингиз, раҳбарингиз бўлсин" деган доно ўгитлари доимий шиоримизга айлансин!"

**Сайёра РИХСИЕВА,**
**«Тошкент ҳақиқати» мухбири.**

# «БИРНИ КЕССАМ, ЎННИ ЭКДИМ»

**Буюк Соҳибқирон таваллудининг 660 йиллиги арафасида ташкил этилган халқаро Амир Темур хайрия жамғармаси бугунги кунда таниқли илм-фан ва маданият ҳомийсининг жаҳон тараққиётига қўшган улкан ҳиссасини ўрганиш ва холисона тарғиб қилиш, унинг номи билан боғлиқ нодир меъморий ёдгорликларни тиклаш, таъмирлаш ва асрашга ёрдам бериш, темурийлар меросини ўрганаётган халқаро ташкилотлар, илмий марказлар ва таниқли олимлар ўртасида ўзаро алоқа ўрнатишга ҳар томонлама кўмаклашишга хизмат қилмоқда.**

Амир Темур мамлакатни 35 йил давомида бошқарди. У Ҳиндистон ва Хитойдан Қора денгизга қадар, Орол денгизидан Форс қўлтиғигача ғоят улкан ҳудудни қамраб олган буюк салтанатни барпо этди.

Бунёдкорлик Соҳибқирон даврида давлат сиёсати даражасига кўтарилган дейиш мумкин. Унинг: "Қай бир жойдан бир ғишт олсам, ўрнига ўн ғишт қўйдирдим, бир дарахт кестирсам, ўрнига ўнта кўчат эктирдим" деган сўзлари бунинг ёрқин исботидир.

Салтанат пойтахтига айлантирилган Самарқанд дуёнинг энг обод шаҳарлари сафидан жой олди. Мамлакатда йўллар кенгайтирилди, кўприклар солинди, роботлар тикланди, бозорлар орасталанди, бинолар қад кўтариб, хиёбон ва боғлар барпо этилди.

1388 йилда Соҳибқирон асос солган Шоҳрухия янада қадимийроқ тарихга эга Банокат шаҳрининг меросхўридир. Банокат Тошкент воҳасининг иккинчи пойтахти саналган. Бадавлат ва фаровон шаҳар босқинчиларнинг ҳам назаридан четда қолмаган.

Чингизхон лашкарлари Ўрта Осиёга юриш қилганларидан кейин Ўтрор шаҳри мағлубиятга учради. Иккинчи шаҳар Банокат эди. Банокат шаҳрини душманлар уч кун қамалда тутдилар. Тарихчилар қамал вақтида содир бўлган буюк мардлик ва жасоратни ўз асарларида ёзиб қолдирганлар. Уч ярим кундан кейин душманлар шаҳарга кирдилар ва 50 мингга яқин аҳолини қатл этдилар.

Бу машъум қирғин ҳам банокатликлар руҳини бука олмади. Улар курашни давом эттиришди. Шундан сўнг мўғуллар шаҳарга ўт қўйишди. Банокатни қамраб олган даҳшатли ёнғин узоқ давом этди.

Орадан йиллар ўтиб, Амир Темур бу ерга қадам қўйди. Буюк ҳукмдор қадимий шаҳарни қайта тиклашга қарор қилди. Тез орада Банокат харобалари ўрнида янги шаҳар бунёд этилиб, унга Шоҳрухия номи берилди.

Вилоятимиз ҳудудида Амир Темур номи билан боғлиқ қадамжолар оз эмас. Соҳибқирон барпо этган Зангиота мақбараси ҳамиша зиёратчилар билан гавжум.

**Муҳаббат ШОЮСУПОВА,**
**халқаро Амир Темур хайрия жамғармаси вилоят бўлими бошлиғи**

Халқаро кўргазмалар

# САМАРАЛИ ҲАМКОРЛИК УЧУН ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАР

"Нонвойлик ускуналари" секторини "Fritsch", "Wachtel", "Rondo", "Fimak", "Восход" каби таниқли компаниялар маҳсулотлари безаган. Анча кенгайган "Ингредиентлар" бўлимида "Делинг Фуд", "Top Star Food", "Арома классик", "СоюзОптТорг", "Геркулес" каби компаниялар стендлари кўпчиликка манзур бўлмоқда.

"Қадоқлаш воситалари ва ускуналари" бўлимида хом ашёни қайта ишлашдан то дўкон пештахталаридаги тайёр маҳсулот ҳолига келгунча босиб ўтадиган жараён намойиш этилаётир. Мисол учун, Ўзбекистон ва Италия компаниялари озиқ-овқат суюқликларини қуйиш комплекс линиялари, ПЭТ-идишларни шишириш ускуналари, қадоқлаш плёнкаси ва озиқ-овқат маҳсулотларини қадоқлашда ишлатиладиган ускуналарни таклиф этмоқда.

Ўзбекистон Фермерлари кенгаши вакили Бахтиёр Шерматовнинг айтишича, чорвачилик, ветеринария, ўғитлар, уруғликлар, агрокимё, омихта ем, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, боғдорчилик техникаси мамлакатимиз корхоналарида ишлаб чиқарилаётган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг бир қисми, холос. Паррандачилик бўлимида ўн бешдан ортиқ компания стендларида паррандалар ўстиришнинг тўлиқ цикли мавжуд. Тухум,

(Давоми. Боши 1-бетда).

жўжа, инкубаторлар, паррандачилик фермалари учун ускуналар шулар жумласидандир.

Очиқ майдонларда қишлоқ хўжалиги техника ва ускуналари – йиғим-терим машиналари, тупроққа ишлов берувчи, уруғ сепувчи, кўчат экувчи машиналар, дастлабки ишлов бериш ускуналари намойиш этилмоқда.

"Агромашхолдинг" концернининг двигатели газда ишлайдиган ғилдиракли тракторнинг янги модификацияси ҳам кўпчиликни қизиқтирмоқда. Концерн мутахассислари газда ишловчи двигателни "Агромаш 85" ғилдиракли универсал шудгорлаш тракторига муваффақиятли мослаштирган.

– "Агромашхолдинг"да ишлаб чиқарилган юқори қувватли уч турдаги янги техника билан танишдик, – дейди Самарқанд вилояти Ургут туманидаги "Мамнуна Адҳам" фермер хўжалиги раҳбари Ҳожимурод Омонов. – Айниқса, 60 от кучига эга "60ТК" русумли тракторнинг ҳаво билан совутилиши бизга жуда ёқди. Тоғли туманда яшаганимиз боис совуқда музламайдиган техника биз учун айни муддао. Харид қилиш учун дарҳол шартнома имзоладик.

Кўргазмаларнинг иккинчи куни, анъанага кўра, фермерлар фаолиятига бағишланди.

**Сайёра ШОЕВА,**
**ЎзА мухбири.**

Огоҳлик

**Автобусда кетаётсам, мендан олдинги ўриндиқда ўтирган икки йигитнинг суҳбати қулоғимга чалиниб қолди. Маълум бўлишича, улардан бири талаба экан. Йигит ёнидаги ҳамроҳига яқинда ўқиш жойида бўлиб ўтган воқеадан ҳамон ҳайратда юргани ҳақида ҳаяжон билан гапирарди:**

**– Факультетга, мени кўргани борганингда, Саттор исмли курсдошим билан таништиргандим. Агар билсанг, уч ой ичида жуда ўзгариб кетди. Ўқишга ҳар куни ҳар хил қимматбаҳо кийимларда келар, тез-тез автомобилини алмаштирар эди. Негадир ўқишдан ҳайдалди. Кейинчалик қамалибди. Сабаби, гиёҳванд моддалар олди-сотдиси билан шуғулланувчилар тузоғига илинган экан.**

# САТТОР ЎҚИШДАН ҲАЙДАЛДИ. САБАБИ...

Биргина Сатторнинг касрига факультет декани лавозимидан олиниб, гуруҳ раҳбаримиз ишдан кетди...

Юқоридаги воқеага ўхшаш ҳолатларни эшитганлар тинчлигимизни кўролмай ғаразли мақсадда юрган кимсалар Сатторга ўхшаган қанчадан-қанча ёшларни нишонга олган экан деб ўйлашлари табиий. Чунки, мамлакатимиз келажаги қандай бўлиши бугунги ўсиб келаётган авлоднинг онги, дунёқараши, билим савияси билан чамбарчас боғлиқ.

Шунинг учун ёшларимизга, бугунгидек тинч-осуда ҳаётимизнинг бардавомлигини таъминлаш уларга боғлиқлигини уқтиришимиз, оммавий ахборот воситаларида изчил бериб борилаётган "Огоҳлик – давр талаби" мазмунидаги эшиттириш ва кўрсатувларнинг мазмун-моҳияти ҳам айнан шунга қаратилаётганини, қолаверса, турли террорчи ва диний кучлар ўзларининг қора ниятлари йўлида халқ, айниқса, ёшларни ўз сафларига тортишга уринаётганини ёш авлод онги ва руҳига сингдириш бутун жамоатчиликнинг бурчидир.

**Бекзод ШАВКАТОВ.**

# ЯНГИ ИШ ЎРИНЛАРИ

**Зангиота тумани Ўртаовул қишлоғи "Файз" маҳалласидаги "Камрон текст" корхонасида нафақат аҳоли, балки коллеж битирувчилари учун ҳам доимо бўш иш ўринлари топилади.**

Олдинлари бу ерда фақат тикувчилик цехи фаолият юритган бўлса, энди мато тўқиш ва бўяш ҳам йўлга қўйилди. Натижада яна 40 та янги иш ўринлари яратилди. Ҳозир ишчиларни қабул қилиш бошланди.

Корхонада "устоз-шогирд" анъанаси давом эттирилиб, янги ишга келганлар мато тўқиш ва бўяшга ўргатилаяпти.

**Ўз мухбиримиз.**

# ЗАМОНАВИЙ ТАШҲИС – МУОЛАЖА АСОСИ



**– Аҳоли билиб қўйиши учун айтингчи, гематология қандай фан ва у нимани ўрганади?**

– Гематология фани қон таркиби ва унинг патологик, яъни шу таркибдаги ўзгаришларни тадқиқ этади ва ўрганади. Мен қонни инсон вужудининг кўзгуси деган бўлур эдим. Негаки, шу кўзгуга қараб, тананинг ҳаётий куч-қувватини кўриш ва унда қандай ўзгаришлар юз бераётганини кузатиш мумкин.

Дарвоқе, узоқ ўтмишда қон одамлар учун сиғиниш манбаи ҳам бўлган. Улар қонга илоҳий суюқлик деб қарашган ва ундан турли мағзамалар тайёрлашган, зеро унинг сеҳрли кучга эга эканига ишонишган. Айтиш мумкинки, ҳаётбахш қоннинг ранг-баранг таркиби гематология фанининг ривожланишига олиб келди. Эндиликда қон таркибини тўла ўрганиб, беморларнинг аҳволини билиш ҳамда илгари қандай хасталикларга чалинганини ҳам аниқлаш мумкин.

**– Онкогематологик хасталикларга қандай касалликлар киради?**

(Давоми. Боши 1-бетда).

– Бу касалликларни биз гемабластозлар деб ҳам атаймиз. Уларга сурункали ва ўткир лейкоз хасталиклари ҳам киради. Булар халқ тилида "оқ қон", "қон саратони" деб аталади. Лимфома ва миелом хасталиклари ҳам шулар жумласидан. Миелом хасталиги деб аталувчи гемабластоз ҳақида қисқача тавсиф бермоқчиман. Бу касаллик хавфли ўсма плазматик ҳужайраларнинг кўпайиши оқибатида келиб чиқади. Плазматик ҳужайралар суяк кўмигида ривожланиб, суякларнинг патологик синиши, қон таркиби ва буйракда юз берадиган ўзгаришларга олиб келади.

Кейинги пайтларда миелом касаллигининг кўпайиши кузатилмоқда. У ҳамма жойда тарқалган аммо қора танли аҳоли орасида нисбатан кўпроқ учрайди. Миелом 40 ёшдан бошлаб кўпийиб, эркак ва аёллар бир хилда касалланишади, бу кўпроқ 60-70 ёшларга тўғри келади.

Касалликнинг муҳим белгиси суяк кўмигининг жароҳати бўлиб, суяк рентгенидан сўнг таркибий ўзгариш ҳолатлари аниқланади.

**– Миеломнинг келиб чиқиш сабаблари ҳам ўрганилиб, аниқланганми?**

– Албатта. Жумладан, генетик мойиллик, радиация, атроф-муҳитнинг заҳарли воситалар билан ифлосланиши, пестицидлар ва бошқа турли кимёвий дорилар касаллик келиб чиқишига сабаб бўлиши мумкин. Вирус таъсири, касалликнинг наслдан-наслга ўтиши эса исботланмаган.

**– Касаллик бошланаётганини билиш мумкинми? Бундай пайтда бемор нималардан шикоят қилади?**

– Беморларда қувватсизлик, тез чарчаб қолиш ва озиш кузатилади. Етмиш фоиз беморда суяк оғриғи пайдо бўлади. Бу кўпроқ бел-думғаза ва умуртқаларда, кўкрак қафасида кузатилади. Узун суякларда камроқ бўлади.

Касаллик бошида тана ҳарорати ошганда оғриқ кучайишида кўринади. Кейинчалик суяк оғриғи кучайиб, бемор ётиб қолади, қимирламасликка мажбур бўлади. Суякдаги таркибий ўзгариш думғаза, қовурға, тўш ва умуртқада аниқроқ билинади. Умуртқа юпқалашади. Бу тез синишига сабаб бўлади. Умуртқанинг синиши эса, руҳий жароҳатни келтириб чиқаради. Оёқлар қувватсизланиши, сезги пасайиши, чаноқ ички органлари фаолияти бузилиши мумкин. Миядаги ўзгариш ҳисобига бош оғриғи кучаяди.

Миелом инфекцияга мойиллик туғдиради. Пневмония ва сийдик йўлларининг шамоллаши кўпаяди. Суяклардаги емирилиш 30 фоизгача беморлар қонида кальций ошишига сабаб бўлади ва буйракка салбий таъсир кўрсатади. Иштаҳа бўғилади, кўнгил айниши, қусиш келиб чиқади. Тана аъзолари фаолияти бузилади. Беморни уйқу босади.

**– Қон таркибида ҳам ўзгаришлар кузатиладими?**

– 60-70 фоиз беморларда камқонлик учрайди. Қон кетиш, айниқса, бурундан қон келиш кузатилади. Қоннинг оқ қисмида деярли ўзгариш бўлмайди. Касалликнинг авж олиш даврида суяк кўмигидаги плазматик ҳужайралар (50-90 фоиз) кўпаяди.

**– Бундай беморлар қаерда даволанишлари керак?**

– Кўп ҳолларда бундай беморлар невропатолог, мануал терапевт, физиотерапевт ва травматологларга мурожаат қилишади. Айрим ҳолларда тўлиқ тиббий текширувдан ўтмаган бу беморлар физиотерапевтик ва бошқа турдаги муолажаларни оладилар. Аммо бундай даво яхши натижа бериш ўрнига, касалликнинг турли асоратларини ривожлантириб юборади. Масалан, камқонлик ва қон кетиш, суякларнинг патологик синиши юз беради. Бундай ҳолларда беморлар Гематология ва қон қуйиш илмий-тадқиқот институтига тезда текшириш учун юборилиши керак.

**– Бу хасталикнинг давоси қандай?**

– Беморлар айрим клиник-лаборатор текширувлардан ўтказилиб, касаллик тасдиқланиб, аниқ ташҳис қўйилгач, Соғлиқни сақлаш вазирлиги тасдиқлаган стандарт протоколларга асосан бизнинг институтимизда даволанишлари керак. Муолажалар асосан ярим кимётерапия ва босқичли суяк кўмик трансплантациясидан иборат.

**Абдусамад ЙЎЛДОШЕВ**
**суҳбатлашди.**

# БЎЛАДИГАН БОЛА – СЎЗИДАН МАЪЛУМ...

**Юртбошимизнинг фарзандларимиз бизданда ақлли, билимли, бахтли бўлиши ҳақидаги орзулари ва шу йўлдаги саъй-ҳаракатлари аста-секин ўз мевасини бера бошлади. Чет тилларни ўрганишни такомиллаштириш тўғрисидаги кўрсатмалари туфайли ёш авлод дунё ойнасига ёркинроқ нигоҳ ташламоқда...**

Ҳали мактабга бормай туриб инглиз тилида бемалол сўзлаётган, шеър, қўшиқ куйлаётган болажонларни кўрганмисиз? Агар кўрмаган бўлсангиз, Янгийўл тумани мактабгача таълим-тарбия муассасалари тарбияланувчиларининг чиқишларини томоша қилинг. Бунга ўзингиз гувоҳ бўласиз.

Тумандаги 69-умумтаълим мактабида ўтказилган инглиз тили фестивали кашф этган бурро, зукко болажонлар хориж тилларини ўрганишни энди 1-синфдан бошлайдилар.



**Еркебой БОТИРОВ олган сурат.**

## Наврўз – 2013

**Уч минг йиллик тарихга эга Наврўз байрами инсон фитрати билан табиат уйғунлиги рамзидир. Бу баҳорий байрамнинг илк илдизлари қадим даврларга бориб тақалади. Наврўз ҳақида улуғ боболаримиз Абу Райҳон Беруний "Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар", Маҳмуд Қошғарий "Девону луғотут турк" асарида қизиқарли маълумотлар ёзиб қолдирганлар. Умар Ҳайём олим, шоир, файласуф сифатида бу байрам ҳақида "Наврўзнома" номли китоб ёзган. Абу Райҳон Беруний асарларида Наврўзнинг яратилишига оид қимматли фикрлар келтирилган. Бу фикрларнинг энг диққатга сазовори шуки, аллома Наврўзни коинот ва олам билан бир бутунликда таърифлайди.**

# ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ ТИМСОЛИ

Наврўз ҳақидаги фикрлар турлича бўлишига қарамай, бунёдкорлик, яхшилик, эзгулик каби умумий тушунчалар уларни боғлаб туради. Асрлар давомида Наврўз мазмунан чуқурлашиб, шаклан бойиб борди. Натижада юртимизнинг турли ҳудудларида Наврўзнинг ўзига хос анъаналари, ранг-баранг маросимлари юзага келди. Наврўз қадимда катта тантаналар билан ўтказилгани тарихдан маълум.

Наврўз азалданоқ шундай куч-қудратга эга бўлганки, бунда ўзаро адоватларга бутунлай барҳам берилган. Эл-юрт фаровонлиги, осойишталиги таъминланган. Зеро, аждодларимиз Наврўзни муқаддас байрам сифатида эъзозлаб, қадрлашган. Шу боис, шундай шодиёна кунларда одамлар бир-бирларига яхшилик ва эзгу тилаклар билдиришган. Аразлар, гина-кудуратлар унутилган, кечирилган.

1991 йил 12 февралда давлатимиз раҳбарининг "Республикада Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш ҳақида"ги Фармони эълон қилинди. Бу муҳим ҳужжат халқимиз кўнглидаги иш бўлди. Наврўз умумхалқ байрами сифатида юртимизда кенг нишонланиши, айниқса, миллий расм-русум ҳамда удумларимиз билан уйғунлашган тантана ва сайиллар жойларда кўп кунлар давом этиши халқимиз қалбида ғурур ва ифтихор туйғуларини кучайтирди.

Мустақиллик шарофати билан юртимизда ҳар йили кенг нишонланаётган Наврўз байрами тантаналари унутилмас таассуротларга бой бўлиб бормоқда. Байрам арафасида умумхалқ ҳашарлари ўтказилиб, шаҳар ва қишлоқлар, маҳалла ва кўчаларни тартибга келтириш, янада обод қилиш хайрли анъана тусини олди. Бу байрам кишилар қалбига шундай бир улуғворлик олиб кирадики, йил давомида ана шу эзгулик, улуғворлик йўлида халқимиз астойдил меҳнат қилади.

Ватанимиз тараққиётини янада юксалтириш, халқимиз фаровонлигини ошириш, республикамизда яшаб меҳнат қилаётган турли миллат вакилларининг ягона мақсад йўлида жипслашиши, маънавий покланиш, аҳоли ўртасида меҳр-оқибат ришталарини янада мустаҳкамлашда Наврўзнинг ўрни беқиёсдир. Байрам кунлари муҳтожларга ёрдам бериш, қариялар ва беморларнинг ҳолидан хабар олиш Наврўзнинг улуғворлигини янада оширади десак, муболаға бўлмайди.

**Ҳаким АЗИМОВ,**
**Тошкент Давлат юридик институти ижтимоий-гуманитар фанлар кафедраси доценти.**

## Бадиий гимнастика

# КАМАЛАК ҒУНЧАЛАРИ

**Бўка туманидаги 5-умумтаълим мактабида бадиий гимнастика бўйича "Камалак ғунчалари" мусобақасининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.**



Вилоят хотин-қизлар қўмитаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят бўлими, халқ таълими, маданият ва спорт ишлари, соғлиқни сақлаш бошқармалари, касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси вилоят бўлими фаоллигида уюштирилган мусобақаларда 2001-2002 йилларда туғилган ўқувчи-қизлар иштирок этишди.

Мусобақаларнинг шаҳар ва туман босқичларида қатнашган 3780 иштирокчилар беллашувида энг юқори натижаларга эришган 36 ўқувчи-қиз вилоят босқичи ғолиблиги учун муросасиз кураш олиб борди.

Бекобод шаҳрилик Моҳира Раҳимова юксак маҳоратини намойиш этиб, ғолибликни қўлга киритди. Иккинчи ва учинчи совринли ўринларни чирчиқлик Зиёда Абдуллаева ҳамда ангренлик Диёра Ортиқбоева эгаллашди.

Ғолиб ва совриндорларга диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

**Ўз мухбиримиз.**

## НАФАҚА ОЛУВЧИЛАРГА ҚУЛАЙЛИК

**Зангиота тумани Эшонгузар қўрғонида қишлоқ фуқаролар йиғини раислари, маҳалла оқсоқоллари, котиб, маслаҳатчилар иштирокида семинар ўтказилди.**

Тадбирда Ўзбекистон Республикси Вазирлар Маҳкамасининг "Кам таъминланган оилаларга ижтимоий нафақалар ва моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги Низом"ни тасдиқлаш ҳақидаги қарори мазмун-моҳияти ҳақида йиғилганларга тушунча берилди. Ижтимоий нафақа ва моддий ёрдам тўлашни ҳал этиш комиссияси аъзолари 20 кишидан 15 кишига туширилди. Аризачининг мулкини ўрганадиган вакиллар ҳам 5 киши этиб белгиланди. Энди эҳтиёжманд оила бола пули ёки моддий ёрдам олиш учун бир пайтлардагидек, оила аъзоларининг 12 ойлик эмас, уч ойлик даромадини тақдим этишлари мумкин.

**Зилола АЛИЕВА.**

# КОРХОНАДА МАЪРИФАТ КЕЧАСИ

**Қибрай туманидаги "NAVRUZ INTERNATIONAL CORP" қўшма корхонасида маънавий-маърифий тадбирлар ҳам ўтказиб турилади.**

Жумладан, "Маънавият-маърифат тушунчаларининг юртдошларимиз ҳаётидаги ўрни" мавзусига бағишланган тадбирда корхона ишчи-хизматчилари, республика Маънавият-тарғибот маркази вакиллари ҳамда ижодкорлар иштирок этдилар.

Йиғилишда маърузачилар "Обод турмуш йили" Давлат дастурининг мазмун-моҳияти, мақсад ва вазифалари, маънавият ва маърифат тадбирларининг баркамол авлодни вояга етказишдаги аҳамияти ҳақида батафсил маълумот бериш-ди.

– Корхонамиз жамоаси асосан ёшлардан иборат, – дейди бош директор Ҳулкар Рустамова. – Улар замонавий асбоб-ускуналарни моҳирлик билан бошқармоқдалар. Биз ёшларнинг маънавий дунёсини бойитиш, мустақил фикрга эга бўлиб вояга етишларида масъулмиз. Шунинг учун корхонамизда маънавият ва маърифат бўлимини ташкил этганмиз. Бўлим уюштираётган тадбирлар ишлаб чиқаришнинг ривожига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

**Юлдузхон МУҲИДДИНОВА,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**


## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

**"REALTOR GARANT BUSINESS" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Савдога қуйидаги кўчмас мулклар такроран қўйилмоқда: 1. Бекобод шаҳар СИБ томонидан 14.11.2011 й. № 13129-сонли ижро варақасига асосан Бекобод шаҳри, Аббосова кўчасида жойлашган "Цемент омборхонаси ва унинг ёнидаги қурилиши тугалланмаган савдо дўкони". Бошланғич баҳоси – 77 880 238 сўм. Зангиота тумани СИБ томонидан № 11379/24-сонли ижро варақасига асосан Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Бест плюс сервис х/к. ҳудудида жойлашган: 2. 1-сонли савдо дўкон, 1-блок. Бошланғич баҳоси – 81 351 923 сўм. 3. 2-сонли савдо дўкон, 2-блок. Бошланғич баҳоси – 67 847 400 сўм. 4. 3-сонли савдо дўкон, 3-блок. Бошланғич баҳоси – 62 490 839 сўм. 5. 4-сонли савдо дўкон, 4-блок. Бошланғич баҳоси – 62 490 839 сўм. 6. 5-сонли савдо дўкон, 5-блок. Бошланғич баҳоси – 62 490 839 сўм. 7. 6-сонли савдо дўкон, 6-блок. Бошланғич баҳоси – 79 372 018 сўм. 8. 7-сонли савдо дўкон, 7-блок. Бошланғич баҳоси – 76 270 753 сўм. Юнусобод тумани СИБ томонидан: 9. 21.01.2013 й. № 425/22-сонли ижро варақасига асосан Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Қоронкўл кўчаси, 84-уй. Бошланғич баҳоси – 357 973 000 сўм. 10. 04.12.2012 й. № 23567/15-сонли ижро варақасига асосан Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, F. Абдуллаев кўчаси, 1-А уй. Бошланғич баҳоси – 95 000 000 сўм. Аукцион савдоси 2013 йил 22 апрель куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Савдога қўйилган кўчмас мулклар билан суд департаменти вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилиш аукцион кунидан бир кун олдин тўхтатилади. Савдода қатнашиш истагидаги талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини "REALTOR GARANT BUSINESS" МЧЖ Тошкент шаҳар "Ипотека банк" АТИБ Шайхонтоҳур филиалига қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000304936050001, МФО 00425, СТИР 207125885. Манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 17-даҳа, 3-уй, 1-хонадон. Тел.: 577-22-12.

**Лицензия: RR-0052.**

**AGRO SANOAT MULK MARKAZI" МЧЖ очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!**

Бошланғич нархи –босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига қуйидаги мулклар қўйилган:

Юнусобод туман СИБ томонидан 2013 йил 14 мартдаги 5963-94/15-сонли ижро варақасига асосан хатланган: 1. Себзор жарима майдончасида сақланаётган, 2006 йилда и/ч., дав. бел. 01 594 ТБА бўлган "ГБАСПГ ГАЗ-322132-220" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 36 500 000 сўм. 2. "Ипотека банк" Ҳамза филиали ҳовлисида сақланаётган, 2006 йилда и/ч., дав. бел. 01 592 ТБА бўлган "ГБАСПГ ГАЗ-322132-220" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 36 750 000 сўм. 3. "Ипотека банк" Ҳамза филиали ҳовлисида сақланаётган 2006 йилда и/ч., дав. бел. 01 593 ТБА бўлган "ГБАСПГ ГАЗ-322132-220" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 33 000 000 сўм. 4. "Ипотека банк" Ҳамза филиали ҳовлисида сақланаётган 1997 йилда и/ч., дав. бел. 01 К 437 НА бўлган "ГБАСПГ ГАЗ-2705" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 25 877 000 сўм. 5. 2013 йил 22 январдаги 648/15-сонли ижро варақасига асосан хатланган, "8-сонли Автосарой" ОАЖ жарима майдончасида сақланаётган, 2009 йилда и/ч., дав. бел. 01 С 040 СА бўлган "Ласетти" русумли автотранспорт воситалари савдога қўйилган. Бошланғич нархи – 41 901 200 сўм. 6. Чилонзор туман СИБ томонидан, 2011 йил 27 октябрдаги 1-1346/12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Чилонзор 19-4-6-1-уйда сақланаётган, 1996 йилда и/ч., дав. бел. 01 О 274 GA бўлган "Ваз-21074" русумли автотранспорт воситаси савдога қўйилган. Бошланғич нархи – 11 150 718 сўм. 7. Чиноз туман СИБ томонидан, 2013 йил 27 февралдаги 1-1204-12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Чиноз тумани ИИБ ЙХХБда сақланаётган, 2010 йилда и/ч., дав. бел. 10 О 780 DA бўлган "Нексия" русумли автотранспорт воситаси савдога қўйилган. Бошланғич нархи – 13 386 000 сўм.

Аукцион савдолари 2013 йил 7 май куни соат 11:00да, Тошкент шаҳри, Қушбеги кўчаси, 18-уйда ўтказилади. Талабгорлар диққатига! Юқоридаги автотранспортлар ушбу аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, уларни сотиш юзасидан ўтказиладиган такрорий аукцион савдоси 2013 йил 22 май куни бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

2013 йил 23 апрель куни соат 11:00 да бўлиб ўтадиган очиқ аукцион савдоларига қуйидаги мулклар такроран қўйилган:

1. Республика Департаменти томонидан 2012 йил 23 июлдаги 1-185д/12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, "Шарқли Мелиса" МЧЖ жарима майдончасида сақланаётган, 2008 йилда и/ч., дав. бел. 01 707 ААА бўлган "Тайота Прадо" русумли автотранспорт воситаси савдога қўйилган. Бошланғич нархи – 128 746 000 сўм. Зангиота туман СИБ томонидан, 2012 йил 3 августдаги 2-79/12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, "Кўк терак Матлубот Инвест" МЧЖ омборхонасида сақланаётган, 1. 2009 йилда и/ч., дав. бел. 10 757 КАА бўлган "Эпика" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 55 991 749 сўм. 2. 2010 йилда и/ч., дав. бел. 10 098 ОАА бўлган "Эпика" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 54 947 112 сўм. 3. 2010 йилда и/ч., дав. бел. 10 095 ОАА бўлган "Ласетти" русумли автотранспорт воситалари савдога қўйилган. Бошланғич нархи – 42 162 181 сўм.

Ушбу аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси – "Agro sanoat mulk markazi" МЧЖнинг ОАТБ "Капиталбанк" Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000804948004002, МФО 01018, СТИР 302159464.

Савдога қўйилган мулклар билан талабгорлар тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишишлари мумкин. Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлардан аризалар эълон чиққан кундан бошлаб ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) қабул қилинади ва савдо бошланишига бир кун қолганда соат 16:00 да тўхтатилади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Қушбеги кўчаси, 18-уй. Тел: 250-83-29.

**Гувоҳнома № 006388.**

**"SPARETRA" МЧЖ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАСИ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Савдога қуйидаги автотранспорт воситаси такроран қўйилмоқда: Бекобод шаҳар СИБ томонидан такроран: 1. 25.02.2010 й. № 850-сонли ижро ҳужжатига асосан 1976 й. и/ч. "М-412 ИЭ", д/р. 11 G 4538. Бошланғич баҳоси – 231 281 сўм. 2. 17.01.2013 й. № 72-сонли ижро ҳужжатига асосан 2008 й. и/ч. Нексия, д/р. 60 М 709 АА. Бошланғич баҳоси – 17 333 655 сўм. 3. 14.07.2011 й. № 7662-сонли ижро ҳужжатига асосан 1992 й. и/ч. Ваз 2109, д/р. 10 D 8231. Бошланғич баҳоси – 2 251 776 сўм. 4. 14.11.2011 й. № 13129-сонли ижро ҳужжатига асосан 1985 й. и/ч. Уаз-452, д/р. 11 N 2357. Бошланғич баҳоси – 624 137 сўм. 5. 14.11.2011 й. № 13129-сонли ижро ҳужжатига асосан 1977 й. и/ч. Уаз-452, д/р. 11 L 4829. Бошланғич баҳоси – 602 867 сўм. 6. 23.07.2012 й. № 1984-сонли ижро ҳужжатига асосан 1984 й. и/ч. Москвич 2140, д/р. 11 V 5694. Бошланғич баҳоси – 663 121 сўм. 7. 06.05.2010 й. № 5446-сонли ижро ҳужжатига асосан 1971 й. и/ч. М-412, д/р. Ж 9191 ТШ. Бошланғич баҳоси – 167 409 сўм. 8. 19.03.2010 й. № 1618-сонли ижро ҳужжатига асосан 1987 й. и/ч. Заз-968-М, д/р. 11 S 1813. Бошланғич баҳоси – 74 907 сўм. 9. 11.05.2011 й. № 3171-сонли ижро ҳужжатига асосан 1977 й. и/ч. Уаз-452А, д/р. 11 Т 9673. Бошланғич баҳоси – 913 944 сўм. 10. 15.02.2012 й. № 3917-сонли ижро ҳужжатига асосан 1979 й. и/ч. Ваз-2102, д/р. сиз. Бошланғич баҳоси – 546 381 сўм. 11. 01.08.2011 й. № 7916-сонли ижро ҳужжатига асосан 1982 й. и/ч. Москвич, д/р. 10 ў 897 DA. Бошланғич баҳоси – 455 436 сўм. 12. 15.02.2012 й. № 3916-сонли ижро ҳужжатига асосан 1987 й. и/ч. ИЖ 2125, д/р. 11 I 2296. Бошланғич баҳоси – 568 000 сўм. 13. 15.02.2012 й. № 3912-сонли ижро ҳужжатига асосан 1969 й. и/ч. Газ-21, д/р. К 3894 ТШ. Бошланғич баҳоси – 562 149 сўм. "Бекобод Савдо" МЧЖ омборида сақланмоқда. 14. 15.08.2011 й. № 10379-сонли ижро ҳужжатига асосан 1991 й. и/ч. ДТ-75, д/р. сиз. Бошланғич баҳоси – 6 522 993 сўм. "Зафар қурилиш инвест" МЧЖ омборида сақланмоқда. Зангиота тумани СИБ томонидан такроран: 15. № 228-сонли ижро ҳужжатига асосан 1982 й. и/ч. "Ваз 21011", д/р. 10 М 223 АА. Бошланғич баҳоси – 1 969 200 сўм. "Бурхон Савдо" МЧЖда сақланмоқда. 16. № 10139-сонли ижро ҳужжатига асосан 1981 й. и/ч. "Ваз 2106", д/р. 11 О 9459. Бошланғич баҳоси – 3 452 220 сўм. "Кўктерак Матлубот Инвест" МЧЖда сақланмоқда. Аукцион савдоси 2013 йил 22 апрель куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. 17. 11.03.2013 й. № 14249/12-сонли ижро ҳужжатига асосан 2000 й. и/ч. "ГБА ГАЗ-2705 СПГ", д/р. 01 Р 046 НА. Бошланғич баҳоси – 33 555 800 сўм. Аукцион савдоси 2013 йил 6 май куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Юқоридаги автотранспорт воситаси 2013 йил 6 май куни савдода сотилмаган тақдирда, мазкур автотранспорт воситасини сотиш юзасидан такрорий савдо 2013 йил 21 май куни бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Савдога қўйилган автотранспорт воситалари билан бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилиш аукцион кунидан бир кун олдин тўхтатилади. Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "SPARETRA" МЧЖ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАСИнинг АТИБ "Ипотека банк" Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000004887305001, МФО 00425, ИНН 301829604. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 17-даҳа, 3-уй, 1-хонадон. Тел.: 577-22-12. Тузатиш киритилди: "Тошкент оқшоми" рўзномасининг 2013 йил 22 март № 58-сонида чоп этилган Зангиота тумани СИБ томонидан 30.01.2013 й. № 1280-сонли ижро ҳужжатига асосан "ТТ380.10", д/р.сиз. Бошланғич баҳоси – 34 544 000 сўм бўлган автотранспорт воситасининг бошланғич баҳоси – 29 544 000 сўм деб ўқилсин.

**Гувоҳнома № 004593.**

## ИЖТИМОИЙ РЕКЛАМА

***2013 ЙИЛДА ҚИШЛОҚЛАРДА ИМТИЁЗЛИ КРЕДИТ АСОСИДА ҚУРИЛАДИГАН ЗАМОНАВИЙ УЙ-ЖОЙЛАР УЧУН БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИШ БОШЛАНДИ!***

***2013 йилда ЯНГИ УЙ ЭШИКЛАРИНИ ОЧИНГ!***

- *Қишлоқ жойларда истиқомат қилувчи ҳар бир фуқаро учун янги уй сотиб олиш имконияти;*
- *Қулай жойлашув: дўкон, мактабларга яқин жойда;*
- *Замонавий дизайндаги уйлар;*
- *Ҳар бир уй-жой 6 сотих ер майдонига эга;*
- *Ичимлик суви, электр энергияси, табиий газ билан таъминланган ҳамда текис ва равон йўлларга эга;*



- *Янги уйда оилангиз билан бирга фаровон ҳаёт кечиринг.*

***Оилангиз учун ёрқин КЕЛАЖАК ЭШИКЛАРИНИ ОЧИНГ!***

- *Имтиёзли ипотека кредити орқали тежаб қолинган маблағингиз оилавий режалар ва орзуларни амалга ошириш учун сарфланади;*
- *Янги уйлар янада яхшироқ турмуш тарзи ҳамда оилавий тадбиркорлик учун кенг имкониятлар яратади;*
- *Янги уйлар Сиз учун узоқ муддатли сармоя ва фарзандлар учун мерос.*



***Келажак учун ЖАМҒАРМА ЭШИКЛАРИНИ ОЧИНГ!***

- *Омонатингизни кўпайтириш имконияти;*
- *Имтиёзли фоиз ставкасида 15 йил муддатга ипотека кредити;*
- *Солиқлардан озод қилинган ипотека тўловлари;*
- *Маош миқдори йиллар давомида кўпайса ҳам, ипотека тўловлари 15 йил давомида ўзгармайди;*
- *Солиқдан озод қилинган қурилиш жараёни – тежамкорлик ва арзон нархлар гарови.*



***Замонавий қурилиш моллари ва ЮҚОРИ СИФАТЛИ УЙ ЭШИКЛАРИНИ ОЧИНГ!***

- *Танловдан ўтган пудратчи қурувчилар ва қурилиш сифатининг юқорилиги;*
- *Бир йиллик сифат кафолати;*
- *Улгуржи нархларда юқори сифатли замонавий қурилиш моллари.*



***Марҳамат, мурожаат қилинг:***

- *Туман ёки вилоят ҳокимликларига;*
- *Қишлоқ ёки маҳалла фуқаролар йиғинларига;*
- *"Камолот" ЁИҲ бўлинмаларига;*
- *Хотин-қизлар қўмиталарига;*
- *"Қишлоқ қурилиш банк" филиалларига, мини банкларига;*
- *"Қишлоқ қурилиш инвест" филиалларига.*

*100060, Тошкент шаҳар, Шаҳрисабз, 36*
*Тел.: (+998 71) 150-93-39*
*Факс: (+998 71) 150-39-93*
*www.qqb.uz*
*e-mail: headoffice@qqb.uz*

**"KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI" МЧЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!**

Савдога Юқори Чирчиқ туман СИБ томонидан қуйидаги кўчмас мулклар арзонлаштирилган ҳолда такроран қўйилмоқда:

1. Тошкент вилоят хўжалик судининг 2011 йил 16 майдаги 11-1132/6572-сонли ижро варақасига асосан, "Яссавий Агросервис" МЧЖга тегишли Тошкент вилояти, Юқори Чирчиқ тумани, Суранкент ҚФЙ манзилида жойлашган, умумий ер майдони 6793,75 кв.м, қурилиш майдони 1942,73 кв.м бўлган гараж биноси. Бошланғич баҳоси – 130 263 684 сўм.

2. Тошкент вилоят хўжалик судининг 2011 йил 16 майдаги 11-1132/6547-сонли ижро варақасига асосан, Юқори Чирчиқ тумани, Янгибозор қўрғони манзилида жойлашган "Пиллакор" МЧЖга тегишли, умумий майдони 942,2 кв.м. бўлган Литер-Гдаги бостирма. Бошланғич баҳоси – 21 925 131 сўм.

Савдо 2013 йил 30 апрель куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2013 йил 26 апрель куни соат 18:00.

Кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда "КМСХ" МЧЖнинг "Ипак йўли банки" ОАИТБ Сағбон ф-даги: 20208000904920609114, МФО 01036, ИНН 207122519 га тўлашлари шарт.

Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент ш., Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А уй. Тел.: 228-79-52. www.1kms.uz.

**Лицензия: RR-0001.**

Учтепа тумани хокимияти томонидан рўйхатга олинган "SHAXLO SHOISTA SERVIS" хусусий корхонаси номига берилган думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

"QVINS-BAX" хусусий корхонаси шу ном билан масъулияти чекланган жамиятга айлантирилади ҳамда "QVINS-BAX" хусусий корхонасининг барча ҳуқуқ ва мажбуриятларини ўз зиммасига олади.

Ўзбекистон фалаж-ногирон болалар ва ўсмирларга ёрдам бериш "Умр" жамоатчилик марказининг Ўрта Чирчиқ тумани бўлимига 2004 йил 16 январда берилган 381-сонли, Юқори Чирчиқ тумани бўлимига 2001 йил 19 февралда берилган 176-сонли, Зангиота тумани бўлимига 2004 йил 10 майда берилган 405-сонли, Тошкент тумани бўлимига 2001 йил 21 сентябрда берилган 222-сонли вилоят Адлия бошқармаси томонидан рўйхатга олинганлик ҳақидаги гувоҳнома, устав, муҳр, тўртбурчак тамға, статистика бўлимлари томонидан кодлар бериш тўғрисидаги гувоҳнома ва бухгалтерияга тегишли ҳужжатлар йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

"MEDICAL ELEKTRONICS" масъулияти чекланган жамияти устав фондини 220 220 000 сўмдан 3 200 000 сўмга камайтирилишини маълум қилади.

Тошкент Давлат иқтисодиёт университети томонидан 2001 йилда Исмаилов Ойбек Абдуллаевич номига берилган В № 046219 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Аввал Яккасарой тумани ТСРЎИ томонидан 2010 йил 4 июнда № 005392-11 реестр рақами билан рўйхатдан ўтган "A'LO PRINT EXPRESS" хусусий корхонаси, мулкчилик шакли "A'LO PRINT EXPRESS" масъулияти чекланган жамиятга ўзгартирилишини маълум қилади.

ИП ООО "OIL GAZ MASH" (ИНН 206176135, ОКПО 20663607), зарегистрированный ИРПС Сергелийского района г. Ташкента за реестровым и перерегистрированным № 000783-06 от 20.04.2012г., адрес:: ул. Кипчок, дом 56-А, сообщает об уменьшении уставного фонда с 107 505 долларов США на 7505 долларов США.

Претензии принимаются в течение трех месяцев по телефонам 980-21-41, 372-68-24.

Утерянную вспомогательную печать ООО "AR AGENCE" (ИНН 204672794), зарегистрированное в Хамзинском районе для таможенных деклараций за № 8, **СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЪНЫМ.**

Утерянный диплом Т № 136336, выданный в 2003 году Республиканским Художественным колледжом имени Бенькова (Шайхантахурский р-н) на имя Файзиева Мансура Дехконбоевича, **СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЪНЫМ.**

СП ООО "ENDULUS CONSTRUCTION" (ИНН 301196752, ОКОНХ 16273), зарегистрированное Министерством юстиции РУз. г. Ташкента, реестровый № 1004, от 21.05.2009г. сообщает о своей реорганизации путем присоединения к ООО "TO'RAXON" (г. Ташкент, Шайхантахурский район). ООО "TO'RAXON" является правопреемником по всем правам и обязанностям СП ООО "ENDULUS CONSTRUCTION".

Претензии принимаются по тел.: (+99890) 988-75-84.

ООО "DOKTOR PLUS KAPITAL" (ИНН 300097496), зарегистрированное отделом государственной регистрации субъектов предпринимательства хокимията Хамзинского района г. Ташкента (реестр № 001266-07 от 25.12.2006г.), расположенное по адресу: г. Ташкент, ул. Лисунова-1, дом 115, кв. 359, **ЛИКВИДИРУЕТСЯ,** (решение № 1 от 05.04.2013г).

Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня публикации объявления.

## Болалар спорти

# ЗАМОНАВИЙ СПОРТ МАЖМУАСИ ЁШЛАР БИЛАН ГАВЖУМ

**Вилоятимизда болалар спортини ривожлантириш, спортнинг оммавийлигини янада ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Маълумотларга кўра, ҳозир вилоятда 50 минг нафардан зиёд 6 ёшдан 18 ёшгача бўлган ёшлар спорт билан мунтазам шуғулланмоқда. 135 минг нафарга яқин ёшлар спорт ва жисмоний соғломлаштириш машғулотларига жалб қилинган. Мавжуд 36 болалар ва ўсмирлар спорт мактабида минглаб ўғил-қизлар спортнинг қирқдан ортиқ тури билан шуғулланаётир.**

Бекобод шаҳридаги "Ёшлик" болалар спорти мажмуасида айни кунда мактаб, лицей ва касб-ҳунар коллежларининг минг нафарга яқин ўқувчиси спортнинг бокс, таэквондо, волейбол ва бадиий гимнастика турлари бўйича ўз маҳоратини оширмоқда. Уларга 15 нафардан зиёд малакали мураббийлар спорт сирларини ўргатаётир.

– Спорт тўгаракларимизда шуғулланиш истагини билдираётган ёшлар сафи тобора кенгаймоқда, – дейди мазкур мажмуа мудири Ғанижон Юнусов. – Шуни ҳисобга олиб бокс, бадиий гимнастика каби спорт турлари бўйича қўшимча гуруҳлар ташкил этдик.

Мажмуада барча замонавий шарт-шароитлар яратилган. Ҳар бир спорт тури билан шуғулланиш учун ажратилган заллар, кийим алмаштириш ва ювиниш ҳамда тиббиёт ходимлари хоналари энг замонавий спорт инвентарлари ҳамда мебеллар билан жиҳозланган. Бинода ўрнатилган иситиш ва совутиш тизими ҳар қандай об-ҳаво шароитида меъёрдаги ҳароратни таъминлаш имконини беради.

Айни кунда бу ерда 250 нафарга яқин бола бокс билан мунтазам шуғулланмоқда. Уларга Ўктам Бозоров, Тўхтасин Эрназаров, Мурод Худойбердиев сингари тажрибали мураббийлар сабоқ бераётир.

– Олти йилдан бери бокс тўгарагига қатнашаман, – дейди мажмуа тарбияланувчиси Умид Жўрабоев. – Ўтган йили 50 килограмм вазн тоифасида вилоят чемпионлигини қўлга киритдим. Ниятим – мамлакат, қитъа ва жаҳон микёсида ўтказиладиган мусобақаларда ҳам яхши натижаларга эришиш.




Тўққиз ёшли Моҳира Раҳимова икки йилдан бери мазкур спорт мажмуасининг бадиий гимнастика тўгарагига қатнайди. Спорт уни соғлом ва чаққон қизга айлантирди.

– Бадиий гимнастика билан мунтазам шуғулланаётган қизимнинг соғлиги яхшиланиб, ҳаракатларидаги ижобий ўзгаришлар бизни қувонтирмоқда, – дейди Моҳиранинг отаси Адҳам ака. – Биз, ота-оналар Президентимиз Ислом Каримов томонидан фарзандларимизнинг ҳеч кимдан кам бўлмаган шароитларда таълим олиши, соғлигини мустаҳкамлаши, мазмунли ҳордиқ чиқариши, спорт билан шуғулланиши учун яратиб берилаётган замонавий шарт-шароитлардан миннатдормиз. Бундай катта эътибор ва ғамхўрликка жавобан улар ҳар жабҳада фаоллик кўрсатиши, янада юксак марраларни забт этишга интилиши табиийдир.

**Х. САЛИМОВ,**
**ЎзА мухбири.**

## Кўргазма

# БИЗ БИРГАМИЗ

**Пойтахтдаги Миллий санъат марказида Ўрта Осиё республикалари рассомларининг "Биз биргамиз" деб номланган кўргазмаси очилди.**

Тошкент театр ва рассомчилик институтида таҳсил олган ҳамюртларимиз Нортой Диёров, Зоир Мелиев, Шавкат Маматкаримов ҳамда қозоғистонлик Жамбул Натбоев, Аронши Шаржановнинг 70 га яқин асарлари экспонатдан жой олган. Улар ўзбек рассомчилиги классиклари Ўзбекистон халқ рассомлари Раҳим Аҳмедов ва Неъмат Қўзибоевдан таҳсил олиб, ўқишни тугатгач, ўз устиларида ишлаб, ҳар бири ижодда шахсий йўналишини топди. Алоҳида мавзу ва услубга эга бўлди.

Экспозицияга қўйилган портрет, пейзаж ва натюрморт жанрларидаги асарларда табиат манзаралари, тарихий шаҳарларимизнинг меъморий ёдгорликлари, йил фасллари, кеча ва кундузнинг турли дақиқалари, тарихга айланиб бораётган қадриятларимизни эслатувчи тураржойлар, маҳаллалар қиёфаси, ҳаёт тарзимизнинг айрим қирралари акс этган. Уларда туғилиб ўсган ўлкасига, халқига, табиатга меҳр-муҳаббат туйғулари акс этганини кўрамиз.

Меҳр билан ишланган "Оқтош. Тонг" (Ш. Маматкаримов 2012 йил), "Чимёнда куз" (З. Мелиев. 2012 йил), "Чимён қишлоғи" (З. Мелиев. 2008 йил), "Чимён ҳовлиси" (Н. Диёров. 2003 йил), "Чимёнда қиш" деб номланган, бири-бирини тўлдирган (Н. Диёров, Ш. Маматкаримов. 2003 ва 2012 йил) иккита асарлар томошабинни бефарқ қолдирмайди.

Кўргазма 2013 йил 16 апрелга қадар давом этади.

**Ҳасан АБДУНАЗАРОВ.**

## Жиноятга жазо муқаррар

# ЁРДАМИ ШУ БЎЛСА...

"Қўшнинг тинч, сен тинч", "Узоқдаги қариндошдан яқиндаги қўшни яхши", деган ибратли мақоллар бекорга айтилмаган. Сабаби, қўшнилар доим бир-биридан хабардор, яхши-ёмон кунда далда бўлишади. Аммо, гуруч курмаксиз бўлмаганидек, ўз қўшниси, ҳамқишлоқларини чув тушириб, алдаб, ошига заҳар солувчилар ҳам учраб турар экан. Бекободлик Абдуллахай Арзиматов шундайлардан чиқиб қолди. У илгари судланиб, амнистияга асосан озодликка чиққан бўлса-да, тавбасига таянмаган экан. Бўлмаса, яна жиноятга қўл урармиди? Унинг жинояти дастлабки тергов чоғидаёқ тўла ойдинлаштирилди.

Маълум бўлишича, А. Арзиматов Бекобод тумани Далварзин қишлоғида яшовчи, ўзи билан бир мактабда ўқиган Ҳаётали Маматқуловни: "Сенга ойига 250 АҚШ доллари оладиган иш топиб бераман" деб алдаб, Қозоғистон Республикасига олиб кетади ва беш ой давомида оғир қурилишларда ишлатиб, ваъда қилган 1250 доллар иш ҳақини бермайди.

Нафси ҳаккалак отган А. Арзиматов яна каттароқ ўлжани кўзлайди. Кўп вақт Қозоғистон Республикасида юрганлиги сабабли, ўзини у ернинг паст-баландини биладиган, ишбилармон, гўёки одамларга ёрдам бермоқчидай кўрсатади. Бу ишларида ўз акаси Абдухалил Арзиматовни шерик қилиб олади. Улар ўзаро жиноий тил бириктириб, бекободлик бир гуруҳ фуқароларни тўплаб: "Қозоғистонда сердаромад иш бор. Шароитлар яхши, ойига 300 АҚШ долларидан иш ҳақи оласизлар", деган ёлғон ваъдаларга ишонтиради. Шундай қилиб, Нозим Турсунов, Одил Фозилов, Тожимуҳаммад Содиқов, Илҳом Содиқов, Баҳром Содиқов, Соҳиб Эрматов, Нодир Эрматов ва Норқўзи Маркабоевнинг қўйнини пуч ёнғоққа тўлдириб, Қозоғистоннинг Алмати шаҳрига олиб кетди. Кўп пул топиш илинжидаги фуқаролар ўз ихтиёрлари билан паспортларини ака-ука фирибгарлар қўлига тутқазишди.

Алматига етиб келгач, уларни гуруҳларга бўлиб, шаҳарнинг турли ҳудудларига тарқатиб юборишди. Қийин шароитда, қурилишдаги энг оғир ишларда бир йил давомида меҳнатларидан фойдаланиб, ваъда қилинган ойлик иш ҳақларини бермай келишди.

А. Арзиматов ўз ҳамюртларидан "текин ишчи кучи" сифатида фойдаланиб, яна сувдан қуруқ чиқиб кетаман, деб ўйлаган бўлса ажаб эмас. Аммо бундай бўлмади. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ёрдамида, кеч бўлса-да, ҳақиқат юзага чиқди. Жабрланувчиларга етказилган зарар тўлиқ қопланди. Жиноят ишлари бўйича Бекобод шаҳар судининг қора курсисида ўтирган А. Арзиматов бошданоқ нияти ҳамқишлоқларига ёрдам бериш бўлгани, тушунмовчилик сабабли, Қозоғистондаги шериклари билан келишолмай, йигитларга иш ҳақларини вақтида беролмаганини рўкач қилди. Қаранг, нияти яхши бўлса, одам савдосидек оғир жиноятга қўл урармиди?



Суд ҳайъати А. Арзиматовнинг қилмишлари юзасидан ўз ҳукмини ўқиди. Судланувчи содир этган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси, муқаддам судлангани, шунингдек, айбига тўлиқ иқрор бўлиб, чин кўнгилдан пушаймонлиги, қилмишининг оқибатларини англаб етгани, оилавий шароити, жабрланувчиларнинг унга нисбатан даъвоси йўқлиги, маҳалласидан ижобий тавсифнома берилгани инобатга олинди. У уч йил муддатга озодликдан маҳрум қилинди.

Жиноятчи ўз жазосини олди. Лекин кўр-кўрона унга эргашиб, инсонийлик шаънлари топталишига йўл қўйиб берганлар бўлган ишлардан тўғри хулоса чиқариб, сабоқ олишдимикин?

Шу ўринда бир мулоҳаза. Юртимизда ишлайман, меҳнат қилиб пул топаман деганга ҳамма шароитлар яратилган. Фақат қилаётган ишига тоза кўнгил, соф виждон, ҳалоллик билан ёндошса бас. Хорижга чиқиб, бойиш илинжида юрганлар наҳот шуни билишмаса? Ўзга юртда хор бўлиб пул топгандан, ўз оиланг бағрида ўйнаб-кулиб яшаганга не етсин. Зора, юқоридаги каби алданганлар қисмати бошқаларга ибрат бўлса.

**Моҳинур АЛИЕВА.**




### МАНИЛАДА ЕР СИЛКИНДИ

**AFP агентлиги ҳукумат маълумотига таяниб Филиппин пойтахти Манилада ер қимирлагани ҳақида хабар тарқатди.**

Табиий офатдан зарар кўрганлар ва вайронгарчиликлар ҳақида ҳеч қандай хабар берилмади. АҚШ геология хизматининг маълумотига кўра, зилзила 5,3 амплитуда кучга эга бўлган.

Ер ости силкинишлари манбаи 38 километр чуқурликда бўлиб, унинг пойтахтдан 158 километр узоқликда эканлиги маълум қилинди.

Филиппин ороллари Тинч уммони зонасидаги вулқонли олов халқаси минтақасида жойлашган. Бу худуд фаол сейсмик ва вулқонлар хуружи билан ажралиб туради. Шу боис архипелагда турли кучланишдаги зилзилалар тез-тез бўлиб туради.

### ОМОН ҚОЛГАНЛАР – ТЎҚҚИЗ КИШИ



**Папуа-Янги Гвинеяда автобус тоғ дарасига қулаб тушгани оқибатида 24 киши ҳалокат қурбони бўлгани ҳақида хабар тарқатди Австралиянинг SBS телеканали.**

Автоҳалокат мамлакатнинг ғарбидаги тоғли ҳудудда юз берди. Ушбу автобусда Эпика қабиласидан бўлган йўловчилар қабиладошлари жасади солинган тобутни олиб келиш учун мамлакатнинг Маун-Хаген музофотига боришаётган экан.

25 ўринли автобус тўсатдан йўлдан тойиб, қияликдан тоғ дараси туби томон 50 метрлар чамаси масофага судралиб борган. Бироқ, автоҳалокат юз беришига нима сабаб бўлгани ҳақида ҳеч қандай маълумот йўқ.

Йўловчилардан фақат тўққиз кишигина тирик қолди. Маҳаллий шифохонадагиларнинг айтишича, ажали етмаганлардан икки нафарининг аҳволи анча оғир.

### СУВ БАЛОСИ ЁМОН БЎЛАРКАН...



**Буэнос-Айрес шаҳри ва унинг яқин-атрофидаги худудларда кучли ёғингарчиликлар туфайли юз берган сув тошқини оқибатида 54 киши ҳаётдан бевақт кўз юмди.**

AFP агентлигининг маҳаллий ҳукумат берган маълумотга таяниб ёзишича, кучли жала 2-3 кун тинимсиз давом этди. Ўлганлар сони айниқса, Ла-Плата университет шаҳрида энг кўп қайд этилди. Бу ерда табиий офат 46 кишининг умрига зомин бўлди.

Буэнос-Айресдан 60 километр жанубда жойлашган бу шаҳарда икки кун давомида рекорд натижада – 40 сантиметр қалинликда ёғин ёққан. Шаҳарнинг тахминан ярим аҳолиси чироқсиз қолди. Телефон алоқалари ҳам бузилди.

Аргентина Президенти Кристина Киршнер табиий офат юз берган ҳудудга ташриф буюриб, атрофни вертолётда айланиб, кузатиб чиқди. AFP агентлигининг таъкидлашича, президентнинг кекса онаси ҳали-ҳамон бир миллиондан кўпроқ аҳолиси бўлган шу шаҳарда яшар экан. Аёлнинг уйи чироқ ва газсиз қолди. Аммо, у уйини тарк этишни истамаяпти.

**Интернет хабарлари асосида тайёрланди.**


**РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР!**

ЧФ "MAKTUBA-BONU" (ИНН 201909371), зарегистрированное ИРСП Сергелийском районе, расположенное по ул. Сугдиёна-1, почтовый адрес: общества: Спутник-16, дом 52, преобразуется в ООО "MAKTUBA-BONU".

Претензии принимаются по тел.: (+99895) 199-09-71.

Ўзбекистон автомотоҳаваскорлар кўнгилли жамияти Марказий кенгаши номига берилган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Истиқболни Белгилаш ва Статистика Давлат Комитети БОШ ХИСОБЛАШ МАРКАЗИ томонидан 15.03.1995 йилда берилган № 1621-сонли (ОКПО 00025589) гувоҳнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

ООО "ALNOZ SAVDO" (ИНН 203536417), зарегистрированное в ИРСП Юнусабадского района за реестровым № 005600-11, расположенное по адресу: пр-т А. Темура, 72, почтовый адрес общества: Юнусабадский район, 14-квартал, ул. Высоковольтная, уменьшает уставной фонд с 67527000 сум до 12370000 сум.

Претензии принимаются по телефону: 301-74-66.

ООО "EMERTON NAZIF" (ИНН 300863184), зарегистрированное в ИРСП Сергелийского района за реестровым № 003791-06, расположенное по ул. Сугдиёна, 1, почтовый адрес общества: ул. Сугдиёна-4-А сливается с ООО "NAZIF DUNYO", зарегистрированное ИРСП Сергелийского района за реестровым № 00767-06.

Правопреемником ООО "EMERTON NAZIF" является ООО "NAZIF DUNYO". Претензии принимаются по тел.: 305-86-03.

**ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯ УЧУН ТЎЛОВДА ЯНГИЛИК. ҚУЛАЙ, ИШОНЧЛИ ВА ТЕЗ!**

– Юртимизнинг хоҳлаган жойидан туриб, сарфланган электр энергияси учун тўловингизни амалга ошира оласиз;
– тўловни амалга ошириш учун ўзингизга қулай усулни (банк тизимларида, почта бўлинмаларида, SMS-тўлов усулида, шунингдек PAYNET тизимларида) танлайсиз;
– электр энергияси учун тўланган маблағни ҳисобингизга тушганини SMS орқали билишингиз мумкин;
– электр энергияси учун тўлов ҳужжатларини тўлдиришга кетадиган вақтингизни тежайсиз;
– электр энергияси истеъмоли учун қанча маблағ сарф қилганингизни ва ҳисобингизда қолган маблағни бемалол назорат қила оласиз;
– бир кунликдан то бир неча ойликгача бўлган электр энергияси сарфини билишингиз мумкин;
– ONLINE тартибида тўловни амалга ошириш;
– ONLINE тартибида маълумотга эга бўлиш;
– вақтинчалик тармоқдан ўчириш гуруҳини чақиришингиз мумкин;
– таъмирлаш гуруҳини чақиришингиз мумкин.

Энг асосийси, электр таъминоти корхонаси ҳамда истеъмолчи ўртасидаги ҳисоб-китоблар шаффофлиги таъминланади.

Эслатма: хизматлардан фойдаланиш учун www.uzbekenergo.uz сайтида шахсий кабинетдан рўйхатдан ўтиш лозим бўлади. Бу яна қўшимча имкониятлар яратади.

Хизматдан фойдаланиш жуда оддий. Телефонга PAYNET тизими орқали тўлов амалга оширилганда қандай бўлса, электр энергияси истеъмоли учун ҳам шундай. Сиздан ҳеч қандай қўшимча тўлов талаб қилинмайди. Ушбу хизматлар учун мобиль операторингиз томонидан SMS-тўлов усулида белгиланган суммани тўлаш билан кифояланасиз.

Истагингизга қараб тўловни юртимизда жойлашган банк тизимларида, почта бўлинмаларида, SMS-тўлов усулида, шунингдек, PAYNET тизимида ҳам амалга оширишингиз мумкин.

Энг асосийси, сиз учун азиз бўлган вақтни тежайсиз, ортиқча маблағ сарфидан ва алданишдан сақланасиз. Шунингдек, интернет тизими орқали ўзингизнинг шахсий кабинетингизга кириб (мукаммал ҳимояланган тизим) ҳисобингизни ҳамда электр энергияси истеъмолини назорат қилишингиз, яратилган бошқа имкониятлардан ҳам фойдаланишингиз мумкин.

Бунинг учун бор йўғи бир мартагина телефон рақамини рўйхатдан ўтказиб олсангиз кифоя. Ундан кейин сиз электр энергияси истеъмоли учун ҳисоб рақамингизни тўлиқ назорат қилиб, бошқариш имкониятига эга бўласиз. Яна қўшимча маълумотларни олиш учун www.uzbekenergo.uz сайтидан фойдаланишингиз мумкин.





## Рассом хандаси





ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
e-mail: th.tp@mail.ru

Телефонлар:
Қабулхона: 233-64-95, 236-55-59, 233-58-85 (факс).
Бўлим муҳаррирлари ва мухбирлар: 233-12-83, 233-48-08.
Шартнома ва эълонлар: 236-55-54.
Ҳисоб-китоб бўлими: 233-54-10.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир Сайёра РИХСИЕВА
Навбатчи Бекзод ҲИДОЯТОВ
Саҳифаловчи Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма J 6825. Адади 13 997. Баҳоси келишилган нархда. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318.

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. "ЎЗБЕКИСТОН" нашриёт-матбаа ижодий уйи босмахонасида босилди. Корхона манзили: Навоий кўчаси, 30-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 18.50.